



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 3503-2862-bd90-d2f2-9ed4-1715-3382
Хужжат яратилинган сана: 2022-06-30
Ариза рақами: 54686688

Хужжат берилган: Фарғона вилоят ҳокимлиги "Капитал
қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати"
ЖШ ШИР: 204816336

**АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ
ТОПШИРИҒИ**

30.06.2022 17:02 й.
1730-1730212-45607 -сон

Лойиҳавий бино (иншоот) тури:	Барпо этилаётган кичик саноат зонасига 3,8 км масофага электр тармоғи тортиш ва бир дона трансформатор пункти қуриш
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг манзили:	Бувайда тумани Қўнғирот м.ф.й. худуди
Лойиҳавий бино (иншоот)нинг буюртмачиси:	Фарғона вилояти ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати»

Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғи фақат лойиҳалаштириш ишларини амалга ошириш учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга асос бўла олмайди. Қурилиш бош бошқармасининг манзили ва телефон рақамлари: Фарғона вилояти Фарғона шаҳри С.Темур кўчаси 111-Б-уй тел. 91-138-79-81

#	Архитектура-режалаштириш топшириқларининг қисмлари	Қисмларнинг мазмуни
1	Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган ҳужжатлар	Фарғона вилояти ҳокимлиги "Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати"нинг 25.06.2022 йил кунги 54686688-сонли аризаси, Бувайда тумани ҳокимининг 24.06.2022 йил 167-11-154-Q/22-сонли қарори.
2	Лойиҳалаштириладиган бино ва иншоот (кейинги ўринларда объект деб аталади) ер участкасининг жойлашиши ва бош режада тугган ўрни	Қўнғирот м.ф.й худудида барпо этилаётган кичик саноат зонасига 3,8 км. масофага тортиладиган электр тармоғи ва бир дона қуриладиган трансформатор пункти учун рухсат берилган ер майдони Бувайда тумани Қўнғирот м.ф.й. худудидаги ер майдонда, аҳоли пунктида жойлашган.

3	Лойиҳалаштириладиган объект ҳудудининг табиий-иқлим кўрсаткичлари	Қўқон шаҳрини иқлими континенталь. Қиш ойларида ўртача t-3 Сдан жуда совуқ бўлса t-18 Сгача бўлади. Қор доимий ёғади. Ёзи иссиқ ўртача t+28 С ошиғи билан t+35-40 С, куз ва баҳор ойларида шамоллар бўлиб, ёз ойида эса айрим пайтларда гармсель бўлиб туради. -30÷35 метр секунд тезликда тез-тез шамол бўлади, ёмғир баҳор ва куз ойлари даврида ёғади. Момақалди роқ ҳам қузатилган йиллик ёғин 250 мм-400 мм бўлади.
4	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг геологик ва топографик жиҳатдан ўрганилганлиги	3,8 км масофага тортиладиган электр тармоғи ва бир дона қуриладиган трансформатор пункти учун рухсат берилган ер майдонини топохарита ва геологик қидирув ишлари «O'ZGASHKLITI» Фарғона филиали ёки махсус рухсатнома (лицензия)си бор ташкилотлар томонидан буюртма асосида бажариб берилади.
5	Лойиҳалаштириладиган объект ер участкасининг чегаралари ҳамда унга туташ объектлар ёки ер участкалари тўғрисида маълумот	Электр тармоғи тортилиши ва бир дона трансформатор пункти қурилиши учун рухсат берилган ер майдонлари қуйидагича чегараланган: Электр тармоғи: -шимол, жануб, шарқ ва ғарб томонлардан автомобил ва маҳаллий йўллар, аҳоли турар-жой бинолари ва ҳудуди, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ҳамда умумий овқатланиш шаҳобчалари ва бошқа нотурар объектлар билан чегараланган. Трансформатор пункти: (Кичик саноат зонасида жойлашган) -шимол томондан КСЗсининг бўш ер майдони билан; -жануб томондан КСЗсининг бўш ер майдони билан; -шарқ томондан КСЗсининг маҳаллий йўл билан; -ғарб томондан лойихавий йўл билан чегараланган;
6	«Қизил чизиклар ва белгилар»	Электр тармоғи йўналишини ва бир дона трансформатор пунктини топохаритада жойлашуви, туман бош архитектори томонидан белгиланиб, Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармаси билан келишилганидан сўнг, лойиҳалаштириладиган электр тармоғи ва трансформатор пункти учун рухсат берилган ер майдони тасдиқланган чегарасидан чиқмасдан, қурилиш чизикларига амал қилган ҳолда лойиҳа ишларини олиб борилиши таъминлансин.

7	Архитектура талаблари	<p>-Лойихавий электр тармоқлари мавжуд тармоқларни кесиб утиш жойларида баландлаштирилган таянчлар урнатиш ҳамда барча кесиб утиш жойларида хаво узатма (линия)ларининг симлари таянчларига жуфтли маҳкамлаш орқали мустаҳкамланиши, барча кесиш жойларида кесиб утувчи ва кесиб утилаётган хаво узатма симлари ва бошқа тармоқлар орасидаги масофа амалдаги ЭКТ (ПУЭ) коидалари ва талабларига асосланган холда лойиха ишлари бажарилсин. - Лойиха ташкилоти томонидан бажарилган лойиха, архитектура режалаштириш топшириқларига асосан буюртмачи, вилоят қурилиш бош бошқармаси томонидан келишилган, тасдиқланган «лойиха топшириқларига» ҳамда 1:500 нисбатдаги топохаритадаги тасдиқланган чегараларига амал қилинсин. -Тортиладиган электр тармоғи ва бир донга қуриладиган трансформатор пункти учун рухсат берилган ер майдонида лойиха ишларини бажаришда, тортиладиган электр тармоғини маҳаллий йўллардан, сув хўжалигига қарашли тармоқлардан, ер усти тармоқларини кесиб ўтиш жойларида ҳамда сув хўжалигига қарашли тармоқлари, электр, алоқа ва бошқа муҳандислик тармоқлари ёнидан параллел холда ўтиши, яшаш уйларига яқин жойларида мавжуд ҚМҚ ва ШНҚ талаблари асосида оралиқ масофа сақлаган холда ўтқазилиши лойихада кўрсатилсин. -Янги тортиладиган электр тармоғи Қўнғирот м.ф.й. худуди бўйлаб ҳамда кўчаларнинг чеккаларидан тортилиши лойихада инобатга олинсин. Электр тармоғини қурилиш ишларини бошлашдан олдин автомобил қатновини тўхтаб қолмаслиги учун ИИБ ЙХХ бошқармаси билан келишилган холда автомобилларни қатновини ташкил қилиш схемаси ишлаб чиқилсин.</p>
8	Лойихалаштириладиган объект ер участкасида мавжуд бино ва иншоотларни бузиш ёки фойдаланиш бўйича таклифлар	<p>Электр тармоғи тортилиши ва бир донга трансформатор пункти қурилиши учун рухсат берилган ер майдонида бузилиши режалаштириладиган бино ва иншоот ҳамда муҳандислик тармоқлари лойиха ишларини бажариш давомида аниқланади.</p>
9	Объектни босқичма-босқич қуриш	<p>Лойиха ташкилоти томонидан тайёрланган қурилишни ташкил этиш лойихаси (КТЭЛ)га асосан қурилиш ишлари босқичма-босқич олиб борилсин ва фойдаланишга топширилсин.</p>
10	Ер майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	<p>Электр тармоғи тортилиши даврида бузилган асфальт тўшама, гулзорлар ва бошқа иншоотлар қайта тикланиши лойиха ишларини ҳисоб-баҳолаш қисмида ҳисобга олинсин.</p>
11	Санитария-гигиена талаблари	<p>Лойихалаштиришда Сан ПиН0350-17 санитария-гигиена талабларига асосан жойлаштирилсин. Лойихалаштириш жараёнида қурилиш материаллари турларини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан таққиланган ва санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган қурилиш материалларидан фойдаланилиши шартлиги инобатга олинсин.</p>
12	Ёнғиндан сақланиш талаблари	<p>Ёнғиндан сақланиш талаблари ШНҚ 2.02.01-04 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан лойихалаштирилсин.</p>

13	Экология талаблари	<p>Электр тармоғи тортилиши ва бир дона трансформатор пункти қурилиши учун рухсат берилган ер майдонида лойиҳа ишларини бажаришдан олдин экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш меъёрларига амал қилиш мақсадида атроф-муҳитни тасири тўғрисидаги АТТА лойиҳаси (экологик лойиҳаларни бажариш учун рухсатномаси бўлган лойиҳалаш ташкилот томонидан) тайёрланиб, Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг экспертиза бўлиmidан лойиҳани экспертиза хулосаси олинсин ва ушбу лойиҳада ва экспертизада кўрсатилган талабларга амал қилган холда қурилиш лойиҳаси бажарилсин.</p>
14	Лойиҳани келишиш	<p>-Лойиҳа архитектура-режалаштириш топшириғига мувофиқлигига Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки давлат хизматлари маркази орқали қуйидагилар билан келишилсин. -3,8 км масофага тортиладиган электр тармоғи ва бир дона қуриладиган трансформатор пунктини жойлашув бош режаси ҳамда лойиҳа ҳужжатлари қуйидаги вилоят ва туман мутасадди идоралар билан келишилиши шарт. -Бувайда ТЭТ корхонаси -“Худудгаз” туман бўлими -“Фарғона электр тармоқлари ҳудудий корхонаси” ОАЖ -“Ўздавэнергоназорат” инспекцияси -Туман телекоммуникациялар боғламаси -Туман ободонлаштириш бошқармаси -Вилоят СЭОМ -Вилоят ФВБ -Фарғона вилояти ИИБ ЙХХ бошқармаси туман бўлими -Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қумитаси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳа ишлари ва инвестиция лойиҳаларини такомиллаштириш учун қўшимча чоралар ҳақида» 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарорига 2-иловада (Мураккаблик тоифаси бўйича объектлар классификацияси) келтирилган III тоифаларга мансуб объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини бевосита ўзлари санитария-эпидемиология ва ёнғинга қарши назорат хизматлари ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари билан келишадилар.</p>


15	Қўшимча талаблар	<p>-Лойиха ишларини бажарилишидан олдин, барча алоқадор корхона ва ташкилотлардан хулосалар олиниб, ушбу хулосаларда кўрсатилган талаблар асосида лойиха ишлари бажарилсин. -3,8 км масофага тортиладиган электр тармоғи ва бир дона қуриладиган трансформатор пунктини жойлашув бош режаси ҳамда лойиха хужжатлари вилоят қурилиш бош бошқармаси ҳамда барча алоқадор корхона ва ташкилотлар билан келишилиши шарт. -Лойиха ташкилоти лойихани келиши давомида вилоят Қурилиш бош бошқармаси ёки унинг ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан берилган тавсиялар ва экспертиза хулосасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этади. -Вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясига қурилиш ишларини бошлаш учун буюртмачи томонидан хабарнома юборилади. -Тортиладиган электр тармоғи ва бир дона трансформатор пунктини қурилиш даврида лойиха ташкилоти томонидан ишларни сифати устидан техникавий ҳамда муаллифлик назорати олиб борилиши таъминланади. -Тортиладиган электр тармоғи ва бир дона трансформатор пунктини қурилиш ишлари тугагандан сўнг, буюртмачи томонидан объект ҳудуднинг ижро топотасвирини (ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ҳолда) бажарилишини таъминлайди ва унинг бир нусхасини вилоят Қурилиш бош бошқармасига топширади. -Қурилишда ҚМҚ 2.01.03-96 зилзилага бардошлик талаблари инобатга олинсин. -Техник-иқтисодий кўрсаткичлар (ТЭП) хужжатлари тайёрлансин. -Лойихалаш ишлари ШНҚ 2.07.01-03, ШНҚ 2.07.01-03*, ШНҚ 2.03.14-18, ШНҚ 2.01.02-04, ШНҚ 1.03.01-03, ШНҚ 2.04.09-07, ШНҚ 4.02.11-06, ШНҚ 4.02.12-06, ҚМҚ 2.04.02-97, ҚМҚ 2.04.05-97, ҚМҚ 3.05.06-97, ШНҚ 2.07.02-07, ҚМҚ 2.01.05-98, ШНҚ 2.05.02-07, ҚМҚ 2.04.13-99, ҚМҚ 2.01.03-98, ҚМҚ 2.08.02-96, ЁХҚ-01-97, Сан ПиН 0241-07, Сан ПиН 0246-08 талабларига амал қилган ҳолда бажарилсин.</p>
----	-------------------------	--

Муҳандислик тармоқларига уланиш шартлари:

16	Ичимлик сув тармоғи	-
17	Оқава сув тармоғи (канализация)	-

18	Электр тармоғи	Қуввати-800 кВт, Тоифаси-III Тортиладиган электр тармоғи ва бир дона трансформатор пунктини асосий электр энергияси билан таъминлаш 110/35/10 кВли Янгиқўрғон п/ст-си 10 кВли II-шиналар тизими (СШ)га 10 кВли ячейка ўрнатган холда бажарилсин. Ячейка тури ва ўрнатиш жойи лойихада кўрсатилсин. Захира электр энергияси билан таъминлаш 110/35/10 кВли Янгиқўрғон п/ст-сидан чиққвчи 10 кВли Хокимият узатмасидан бажарилсин. Уланиш нуқтаси лойихада кўрсатилсин. Туман электр таъминоти корхонаси билан келишилсин. Юклама марказига трансформатор пункти ўрнатилсин. Трансформатор сони, тури ва қуввати лойихада кўрсатилсин. 10 кВли лойихавий ячейка ва 10 кВли Хокимият узатмасидан қуриладиган трансформатор пунктигача бўлган масофага 10 кВли ва шу ТПдан объектгача бўлган масофага 0,4 кВли хаво (кабель) узатма қурилиши лойихада кўрсатилсин. Трансформатор пунктини электр-монтаж ишлари электр қурилиш қоидалари (ПУЭ) талаблари асосида бажарилсин. Лойиха ташкилоти, лойиха ишларини 08.06.2022 йил 1356-8-сонли техник шартда кўрсатилган талаблар тўлиқ бажарилиши талаб этилади. Лойиха ишлари, «Фарғона электр тармоқлари худудий корхонаси» ОАЖ ва «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси билан келишилсин.
19	Газ тармоғи	-
20	Телефон алоқа тармоғи	-
21	Иссиқлик ва иссиқ сув тармоғи	-
22	Дренаж тармоғи	-
23	Объектни муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича буюртмачига ва лойиха ташкилотига қўйилаётган талаблар	-Трансформатор пунктини муҳандислик тармоқларига уланиш тартиб-таомилларни белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига риоя этилиши таъминлансин. -Қурилиши режалаштирилаётган трансформатор пунктига уланадиган ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари унга чегарадош ўзга ер майдонларидан ўтказиладиган ҳолатларда муҳандислик коммуникацияларининг трассалари ушбу ер майдонлари эгалари билан келишилсин. -Тортиладиган электр тармоғи ва бир дона қуриладиган трансформатор пункти учун рухсат берилган ер майдони худудидан ўтган ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари кўчирилиши (зарурат бўлганда) лойихадаинобатга олинсин. -Трансформатор пунктига уланадиган ер ости муҳандислик коммуникацияларини ётқизишда кўчаларни ёпиқ холда кесиб ўтишни мутасадди ташкилотлар билан келишилсин. - Тортиладиган электр тармоғи ва бир дона трансформатор пунктини қурилиш жараёнида ГОСТ-13109-97 ва ПУЭни талаблари асосида бажарилсин ҳамда ўрнатилган тартибда лойиха ташкилоти томонидан объектда муаллифлик назорати олиб бориш таъминлансин.
24	Архитектура-режалаштириш топшириғининг амал қилиш муддати	Ушбу архитектура-режалаштириш топшириғини амал қилиш муддати - 2 (икки) йил.

Бувайда тумани ер хўжалик харитасидан кўчирмаси



- Трансформатор ўрнатилиши белгиланган ер майдони
- Мавжуд 10 кВли электр тармоғи
- Лойихаланадиган асосий электр тармоғи
- V Лойихавий захира электр тармоғи
- Топотасвир чегараси

Захира электр тармоғига улаш нуқтаси

Асосий электр тармоғига улаш нуқтаси

Фаргона вилояти қурилиш бош бошқармаси		М - Б
2022 й.	Иниоот: 3,8 км электр тармоғи ва бир дона трансформатор нуқти қуриши.	1:10000
	Бувайда тумани Қўнғирот м.ф.й. худуди.	АПТ №
Бажарувчи		И.Арипов

АРХИТЕКТУРА-РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ:

Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўлими раҳбари:	Игамбердиев Шухратжон
Архитектура-режалаштириш топшириғини тайёрлаган мутахассис:	Арипов Ибрагим

АРТ лойиҳаолди ҳужжат бўлиб, ер участкаси ёки бино ва иншоотга мулк ҳуқуқини тасдиқламайди ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун асос ҳисобланмайди.

KADIROV OTABEK ALIYEVICH

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини gero.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

1946



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Фарғона вилояти ҳокимлиги
“Капитал қурилиш соҳасида
бујуртмачи хизмати”



режиссори
Х.Долимов

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Фарғона 2022 й

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Buva yda tumani Qo'ng'iro t MFY xududida barpo etilayotgan kichik sanoat zonasini elektr energiyasi bilan ta'minlash uchun tarmoq tortish va transformator o'rnatish.

1.2. Танловнинг юкори қиймати ҚҚС билан 1 355 083 155 сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Объект бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Фарғона вилояти ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати”** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Фарғона вилоят Фарғона шаҳар Темирўл 37 уй.

Эл.адрес: hadi.tv.85@mail.ru

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Ишни бажарилиши, тулиқ якунлаш муддати ҳамда сифати кафолати хақида ёзма маълумот тасдиқлангани .;
- Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот тасдиқлангани;
- Корхона неча йилдан буён фаолият кўрсатиши ҳамда ишчи ўрни тўғрисида маълумот тасдиқлангани;
- Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот тасдиқлангани;
- Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот тасдиқлангани;
- Қурилиш ташкилотининг рейтингги тўғрисида маълумот;
- Иш(хизмат)ларни асослантириш учун хизматлар калкуляцияси (Офёрта) тасдиқлангани.

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисмда, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит ҳолда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

(для объявления)

«УТВЕРЖДАЮ»

Директор
«Службы Заказчика в сфере
капитального строительства»
Ферганского областного хокимията

Х. Долимов

ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ

(категория сложности объекта – II)



по объекту: Фаргона вилояти Бувайда тумани Кунгирот МФЙ худудида барпо этилаётган кичик саноат зонасини электроэнергияси билан таъминлаш учун тармок тортиш ва трансформатор урнатиш

№ п/п	Перечень основных данных и требований	Содержание основных данных и требований
1	2	3
1	Заказчик	«Служба Заказчика в сфере капитального строительства» Ферганского областного хокимията
2	Основание для разработки	- Распоряжение Хокима Ферганской области №196-11-0-F/22 от 30.05.22г.
3	Источники финансирования	Средства государственного бюджета
4	Предельная стоимость объекта	1 178 333 178 сум без НДС, 1 355 083 155 сум с НДС
5	Наименование проектной организации-генерального проектировщика	ООО «Фергана Автомат Расчёт»
6	Сроки начала и окончания работ	2 месяца с момента подписания подрядного договора.
7	Требования к безопасности выполнения работ	Руководствоваться требованиями нормативных документов. Ответственность за соблюдение правил пожарной безопасности, охраны труда и санитарно-гигиенического режима на объекте возлагается на подрядчика, ответственный назначается приказом, копия приказа предоставляется заказчику. Подрядчик до подписания договора подряда обязан заключить договор страхования строительных рисков при исполнении работ по договору подряда и предоставить заказчику копию такого договора с подтверждением оплаты.
8	Требования по охране окружающей природной среды (для нового строительства и реконструкции)	Предусмотреть мероприятия по охране окружающей среде, соблюдение санитарных и противопожарных норм и требований, установленных нормативными документами.

9	Требования по обеспечению энергоэффективности принимаемых проектных решений	При строительстве применять современное энергоэффективное и энергосберегающее оборудование.
10	Требования по разработке инженерно-технических мероприятий гражданской защиты и предупреждения чрезвычайных ситуаций	При строительстве руководствоваться требованиями нормативных документов.
11	Требования по обеспечению условий жизнедеятельности инвалидов и маломобильных групп населения	В соответствии с действующими нормативными документам
12	Категория сложности строительства	II категория
13	Требования к контролю и порядку сдачи результатов работ	<p>Руководители работ, участвующие в строительстве:</p> <ul style="list-style-type: none"> - осуществляют контроль качества применяемых строительных материалов; - обеспечивают оперативный контроль качества выполняемых ремонтных работ; - проверяют соблюдение технологической дисциплины при производстве ремонтных работ; - своевременно оформляют акты скрытых работ; - обеспечивают контроль исполнительной документации на все виды ремонтных работ; - обеспечивают выполнение ремонтных работ в сроки, предусмотренные согласованными графиками; - определяют объемы дополнительных работ по результатам осмотра с составлением актов и дефектных ведомостей. <p>Приемка выполненных работ осуществляется комиссией назначаемой Заказчиком в соответствии с – КМК 3.01.04-04 “ПРАВИЛА ПРИЕМКИ В ЭКСПЛУАТАЦИЮ ЗАКОНЧЕННЫХ КАПИТАЛЬНЫМ РЕМОНТОМ ЖИЛЫХ И ОБЩЕСТВЕННЫХ ЗДАНИЙ И СООРУЖЕНИЙ” как по отдельным, так и после завершения всех, предусмотренных настоящим заданием и ПСД работ, и оформляются соответствующими актами.</p>
14	Финансирование объекта	Аванс - 30 % с разбивкой на два месяца равными долями (по 15% в месяц), текущее финансирование в размере - 95% от стоимости выполненных работ с учетом пропорционального удержания выделенного аванса, 5% – по истечении гарантийного срока эксплуатации.
15	Требования по передаче подрядчику технических и иных документов	Подрядчику передается согласованная в установленном порядке в 1-м экземпляре на бумажном виде альбомы рабочих чертежей, на электронном носителе локальную ресурсную ведомость в формате MS «Excel»

16	Требования по объему и срокам гарантий качества работ.	<p>Все работы выполнять в соответствии с данными проектов с соблюдением соответствующих глав строительных норм и правил по организации, производству и приемке работ.</p> <p>Подрядчик выполняет работы строго в соответствии с технологическими картами.</p> <p>В случае нанесения материального ущерба при производстве ремонтных работ заказчик и подрядчик обязаны в 3-дневный срок составить акт осмотра и принять решение о компенсации ущерба.</p> <p>Срок предоставления гарантийных обязательств на выполненные работы не менее 1 (одного) года после оформления акта госкомиссии.</p>
17	Стадия проектирования	Одностадийный Рабочий проект

Составил :

**Представитель отдела по подготовки
исходно-разрешительной, проектной
и конкурсной документации**



Пак В.А.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Фарғона вилояти

150115 Farg'ona shahri, Al-Farg'oniy 36-uy tel 73)-244-68-81 244-68-82 mail: fergexp@rambler.ru

www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: MADMAROV KUDRAT YAXIYADJANOVICH

Sana:08-09-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 59970

Obyekt nomi «Farg'ona viloyati, Buvayda tumani Qo'ng'iro't MFY xududida barpo etilayotgan kichik sanoat zonasini elektr energiyasi bilan ta'minlash uchun tarmoq tortish va transformator o'rnatish.»

Buyurtmachi - Farg'ona viloyat xokimligi «Kapital qurilish soxasidagi buyurtmachi xizmati»

Bosh loyihachi - "Fergana Avtomat Raschot" MHCJ

Litsenziya 02.03.2022y/ 022555-

Moliyalashtirish manbai - Byudjet mablag'lari

Bosh pudratchi - Tender savdolari asosida (agar qaror qabul qiluvchi organ tomonidan belgilangan bo'lsa)

Qurilish turi Qurilish

Murojaat raqami: № 58132

1. Loyihalash uchun asos

- 1.1. Farg'ona viloyati xokimining 30.05.2022 yil kungi 196-11-0-F/22-sonli Farmoyishi.
- 1.2. Arxitektura va Qurilish boshqarmasi tomonidan 30.06.2022 yilda berilgan 1730-1730212-45607-sonli Arxitektura va Rejalashtirish topshirig'i.
- 1.3. «O'zGASHKLITI» DUK Farg'ona filiali tomonidan 2022 yilda berilgan ob'yektning muxandislik-geologiya xulosasi.
- 1.4. Farg'ona viloyat xokimining o'rinbosari H.Isakov tomonidan tasdiqlangan, Farg'ona viloyat qurilish boshqarma boshlig'i L.Pozilov, Farg'ona viloyat xokimligi «Kapital qurilish soxasidagi buyurtmachi xizmati» bosh muxandisi Sh.Baxromov bilan kelishilgan Loyixa topshirig'i.
- 1.5. «O'zGASHKLITI» DUK Farg'ona filiali tomonidan 2022 yilda berilgan ob'yektning muxandislik-geologiya xulosasi.
- 1.6. "Farg'ona XETK" AJ tomonidan 08.06.2022 yilda berilgan 1356-8-sonli elektr ta'minoti texnik sharti.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

- 2.1. Loyixa tarkibiga ko'ra elektron yo'nalishda taqdim qilingan loyixa smeta xujjatlari.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

- 3.1. Ishchi loyihaga doir ma'lumotlar.

Hududning seysmikligi - 8 ball

Eng sovuq besh kunlik davrdagi tashqi havoning qishki taxminiy harorati minus 14C.

Qor qoplaminig og'irligi - 50 kg / m²

Yuqori tezlikdagi shamol bosimi - 38 kg / m²

Tuproqning muzlash chuqurligi 0,68 m.

3.2. Ushbu loyixada buyurtmachi tomonidan berilgan loyixa topshirig'iga asosan fakatgina tashki elektr ta'minoti KL, XL-10 kV va TP-1000 kVAni urnatish ko'zda tutilgan. Ichki 0,4 kV elektr tarmoqlari aloxida loyixalarda ko'rib chiqiladi.

O'rnatilgan quvvat $R_o' = 800,0$ kVt

Loyihalashtirilgan elektr uzatish 10 kV liniyasi ob'yektning asosiy va zaxira elektr ta'minoti uchun mo'ljallangan. Yangi ulangan iste'molchilarning elektr yuklari kelgusi 10 yil davomida "Qishloq xo'jaligi maqsadlari uchun 0,38-110 kV tarmoqlarda hisoblash bo'yicha uslubiy ko'rsatmalar" ga muvofiq belgilanadi.

Elektr ta'minotining ishonchliligi bo'yicha ushbu ulangan iste'molchilar 2 toifaga kiradi. Iste'molchilarni elektr energiyasi bilan ta'minlashning ishonchliligi uchun standartlashtirilgan mezonlarni taqdim etish ETTLM bo'yicha "Qishloq xo'jaligi iste'molchilarini elektr ta'minoti ishonchliligining standart darajalarini loyihalashni ta'minlash bo'yicha ko'rsatmalar" ga muvofiq amalga oshiriladi.

Asosiy elektr ta'minotining manbai p/st 110/35/10 «Yangiqo'rgon» ikkinchi shinalar tizimiga yangi K-59 rusumli yacheyka urnatgan xolda amalga oshiriladi.

Zaxira elektr ta'minotining manbai p/st 110/35/10 «Yangiqo'rgon»dan chiquvchi f.Xokimiyatning qulay tayanchidan shaxobcha qurish orqali bajariladi.

10 kV kuchlanishli elektr uzatish liniyalarining konstruktiv ishlari.

Elektr tarmoqlari uchun tarmoqni tanlash "O'zbekiston Respublikasi yer qonunchiligi asoslari" talablariga muvofiq va RH 34-504.726: 2005 talablarini hisobga olgan holda "shahar va qishloqlarni loyihalash bo'yicha ko'rsatmalar" asosida amalga oshirildi..

Tarmoqni RH 34-503 talablariga muvofiq muhandislik tadqiqot materiallari bilan ishlab chiqilgan va qayta ishlangan RH 34-503:2006 "10 kV elektr uzatish liniyalarining tarmoqlarini tanlash va muhandislik tadqiqotlari bo'yicha ko'rsatmalar".

Muhandislik tadqiqotlari materiallariga ko'ra, marshrutlar bo'yilab tuproqlar 36-6 guruh bo'lib, o'ziga xos elektr qarshiligi 150 Omga teng.

10 kVli xavo uzatmasini kurish uchun 22.0100 va 3.407.1-143 standart loyixalarga asosan SV-110-3,5 tayanchlar tanlangan.

Asosiy elektr ta'minoti 110/35/10 kV "Yangikurgon" podstansiyasining 2-shinalar tizimiga K-59 yacheyka urnatiladi. Yacheykadan birinchi loyixalanayetgan tayanchgacha 120 metr masofada 3xAPVPU-1x150mm² rusumli kabel tarmogi trnasheyada yetkiziladi. Birinchi loyixalanayetgan tayanchdan mavjud tarmokning birinchi tayanchgacha 1200 metr masofada temir beton tayanchlarga osiltirib AS-50mm² rusumli simlardan tashkil topgan XL-10 kV tarmok kuruladi. Mavjud tarmokning oxirgi tayanchidan loyixalanayetgan oxirgi tayanchgacha 700 metr masofada temir beton tayanchlarga osiltirib AS-50mm² rusumli simlardan tashkil topgan XL-10 kV tarmok kuruladi (mavjud tarmokning uzunligi 3500 metr) sungra RLND-10/630 rusumli ajratgich urnatiladi. Oxirgi ajratkich urnatilgan tayanchdan loyixalanayetgan TPgacha masofasi 20 metr bulgan 3xAPVPU-1x150mm² rusumli kabel tarmogi trnasheyada yetkiziladi.

Zaxira elektr ta'minoti 110/35/10 kV "Yangikurgon" podstantsiyasidan chikkan f.Xokimiyatdan tarmoklash orkali oxirgi loyixalanayetgan tayanchgacha 2600 metr masofada temir beton tayanchlarga osiltirib AS-50mm² rusumli simlardan tashkil topgan XL-10 kV tarmok kuruladi, sungra RLND-10/630 rusumli ajratgich urnatiladi. Oxirgi ajratkich urnatilgan tayanchdan loyixalanayetgan TPgacha masofasi 20 metr bulgan 3xAPVPU-1x150mm² rusumli kabel tarmogi trnasheyada yetkiziladi.

Loyixada ikki dona TMG-1000/10/0,4 kVli transformatorlar bilan komplektlangan bir komplekt 2GKTP 1000/10/0,4 kVli turidagi TP urnatilishi kuzda tutilgan.

ETTLM qishloq xo'jaligi maqsadlari uchun elektr tarmoqlarini texnologik loyihalash me'yorlarining tavsiyalariga muvofiq, AC-35 mm² va AS-500 mm² markali po'lat alyuminiy simlar GOST-839 bo'yicha 10 kV havo liniyasini xisob yuklamalarini utkazish kobiliyatiga karab -10 yil va ETTLM bo'yicha liniyalarda tavsiya etilgan kuchlanish yo'qotishlarini hisobga olgan holda - 10% dan ko'p bo'lmagan.

Elektr jihozlari bo'lgan barcha temir-beton ustunlar EUUK talablariga va trassa bo'ylab tuproqning o'ziga xos qarshiligiga qarab, TP 3.407.150 standart yechimlarining tavsiyalariga muvofiq yerga ulanadi.

Yo'nalish bo'ylab tayanchlarni joylashtirish qabul qilingan oraliqlariga va yer yuzasiga va kesishgan muhandislik inshootlariga o'lchamlarning EUUKni ta'minlash talablariga muvofiq amalga oshiriladi. Kesib o'tish joylarida TP 3.407.1-143 ch. 5ga muvofiq ko'tarilgan anker tayanchlarda amalga oshiriladi. Mavjud LS, 0,4 kV elektr uzatish liniyalari va 10 kV elektr uzatish liniyalari bilan loyihalashtirilgan 10kV xavo liniyasi kesib o'tish EUUKga muvofiq 2 metr masofa saqlab o'tish kerak.

Korroziyadan himoya qilish uchun tayanchlarning metall konstruksiyalarini ikki qatlamda BT-177 bo'yoq bilan yopiladi. Temir-beton tayanchlarning yer osti qismini korroziyadan himoya qilish uchun ikki qatlamli bitum bilan yopiladi. Uskunani kiruvchi uta kuchlanishlardan himoya qilish ventilli razryadniklar tomonidan amalga oshiriladi.

Atmosferaning ifloslanish darajasini hisobga olgan holda liniya uchun SHF-10 G izolyatorlari, ko'tarilgan tayanchlarda PS izolyatorlardan ishlatilsinn. Aholi punktidan o'tadigan VL-10kV tayanchlarida simlarni mahkamlash ikkitalik maxkamlangan izolyatorlardan foydalanilsin.

Tortib turuvchi izolyator elementlariga kuchlanish izolyatorlari va biriktirma nuqtalari to'plami standartlarga muvofiq amalga oshiriladi. O'tkazgichlarda simlarning ulanishi burish orqali o'rnatilgan oval ulanishlar bilan amalga oshiriladi. Simlarni izolyatorlarga mahkamlash standart tavsiyalariga muvofiq amalga oshiriladi. Yalang'och simlarning rusumlari va uchastkalarini tanlash minimal ishlab chiqarish xarajatlari bilan amalga oshiriladi.

Qurilayetgan kabellarining kesimi tuproq harorati uchun tuzatish koeffitsiyentlarini hisobga olgan holda uta yuklanish bilan ruxsat yetilgan qizishiga muvofiq tanlanadi. Tanlangan simi qabul qilinadigan kuchlanish yo'qotish uchun sinovdan o'tkazildi. Kabel liniyalarini yotqizish "Elektr qurilmalarini o'rnatish qoidalari" ga muvofiq amalga oshirilishi kerak.

Kabel liniyalarini to'g'ridan-to'g'ri yerga yotqizishda kabellar xandaqqa yotqizilishi va pastki qismida qum sepilgan bo'lishi kerak, va tepada toshlar, qurilish qoldiqlari va chiqindi bo'lmagan sayoz tuproq qatlami bo'lishi kerak. Kabel liniyalarining rejalashtirish belgisidan chuqurligi kamida 0,7 m bo'lishi kerak. Butun mtarmoq bo'ylab mexanik shikastlanishdan himoya qilish uchun kabel bitta qatlamda g'isht bilan qoplangan. Silikat, shuningdek ichi bo'sh yoki teshilgan g'ishtlardan foydalanishga yo'l qo'yilmaydi. Asosiy quvvat manbai uchun kuchlanish yo'qolishi $\Delta U = 2,9\%$. Zaxira quvvat manbai uchun kuchlanish yo'qolishi $\Delta U = 1,3\%$.

Yer osti kommunal xizmatlari bilan kesishgan joyda kabelni 100 diametrli asbest-sement trubasiga yotqizladi.

Yer ishlarini bajarishda barcha manfaatdor tashkilotlarning vakillarini taklif qilinadi. Barcha Elektr ishlari

PUE UZ-2011 ga muvofiq amalga oshirilishi kerak.

3.3. Shu jumladan Qurilishda ko'zda tutilgan ishlar batafsil taqdim etilgan loyixalar, loyixa topshirig'i va tushuntirish yozuvida ko'rsatib o'tilgan).

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

4.1. Muxandislik tizimlari texnik shart, loyiha topshirig'iga muvofiq jixozlangan. (Elektron taqdim etilgan albomlarda batafsil ko'rsatilgan).

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

5.1. Farg'ona viloyat xokimining o'rinbosari H.Isakov tomonidan tasdiqlangan, Farg'ona viloyat qurilish boshqarma boshlig'i L.Pozilov, Farg'ona viloyat xokimligi «Kapital qurilish soxasidagi buyurtmachi xizmati» bosh muxandisi Sh.Baxromov bilan kelishilgan Loyixa topshirig'

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ekspertiza jarayonida mutaxasislarning izohlariga muvofiq loyiha hujjatlariga quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi.

6.2. Ishchi loyiha ekspertiza ko'rigiga buyurtmachining texnologik, ichki muxandislik, energiya tejamkorlik va boshqa yechimlari izoxlarsiz taqdim etilgan.

6.3. Ekspertiza jarayonida mahalliy (lokal) ekspert xulosalarining izoxlariga muvofiq kiritilgan kamchiliklar va tuzatishlar loyixachi tomonidan ko'rib chiqildi va tuzatildi. (Biriktirilgan lokal ekspertiza xulosalaridagi faylda batafsil ko'rsatib o'tilgan).

6.4. Buyurtmachi jami xarajati, ish xaqqi 12114,89 so'm/chelchas (ijtimoyi sug'urta siz), pudratchining boshqa xarajatlari 19,39% va obyektning materiallar qiymati buyurtmachi xatiga asosan qabul qilindi.

Buyurtmachi tomonidan quyidagi obyekt jami bo'lib 1451786,363 ming so'm taqdim etilgan.

Tekshiruv natijasiga ko'ra quyidagi ko'rsatgichlar tavsiya etiladi:

Qurilish qiymati QQS siz	-	1 178 333,178 ming so'm
QQS 15%	-	176 749,977 ming so'm
Qurilish qiymati QQS bilan	-	1 355 083,155 ming so'm
Buyurtmachining xarajatlari	-	68 117,992 ming so'm
Jami obyekt qiymati QQS va buyurtmachi xarajatlari bilan	-	1 423 201,147 ming so'm
Iqtisod qilingan mablag'	-	28 585, 216 ming so'm

6.5. Kamayish qurilish mashinalarini va mexanizm va ba'zi materiallar qiymati sozlash xisobiga amalga oshirildi .

6.6. Import qilingan uskunalar va materiallarning narxi ekspertiza tomonidan ko'rib chiqilmagan.

6.7. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016 yil 22 yanvardagi 15-sonli qaroriga muvofiq 4-ilova, II bob 8-band va SHNK 1.03.06-13 da «Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaharsozlik hujjatlarining sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyihalashtirish jarayonida taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarning ishonchligi bo'yicha) va ishlab chiquvchiga (qabul qilingan loyiha qarorlari bo'yicha) yuklatiladi.

7. Xulosalar.

7.1. Farg'ona viloyati, Buvayda tumani Qo'ng'iro't MFY xududida barpo etilayotgan kichik sanoat zonasini elektr energiyasi bilan ta'minlash uchun tarmoq tortish va transformator o'rnatish, loyixa-smeta xujjatlari ekspertiza tekshiruv natijalarini hisobga olgan holda ko'rib chiqib, tasdiqlashga tavsiya etiladi.

7.2. Vazirlar Mahkamasining 11.06.2003 yildagi 261-sonli qarori va SHNK 4.01.16-09 ga muvofiq, tanlov savdolarini o'tkazish uchun ob'yektning qiymati buyurtmachi tomonidan belgilanadi.

7.3. Ko'rsatilgan narxni tanlov savdolari uchun qabul qilish to'g'risida buyurtmachi qaror qabul qiladi.

Bosh mutaxassis: TASHTEMIROVA SHOXISTA MAXAMATJONOVNA